



O'ZBEKISTON STANDARTLASHTIRISH METROLOGIYA VA
CERTIFIKATLASHTIRISH AGENTLIGI
BOSH DIREKTORINING

QARORI

**Сертификатлаштириш идорасининг ваколати ва вазифасини бошқа
сертификатлаштириш идорасига ўтказиш ҳақида**

“Ўзстандарт” агентлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги АК-09/07-сонли “Gold Star Tour Service” масъулияти чекланган жамиятининг менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи номига расмийлаштирилган аккредитация гувоҳномаси (UZ.AMT.05.MAI.039) нинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Миллий сертификатлаштириш органи **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” ги қонунининг 5 ва 10-моддаларига мувофиқ, “Gold Star Tour Service” МЧЖ нинг менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи вазифалари ҳамда ваколатлари “Навоий синов ва сертификатлаштириш” давлат корхонасининг менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи (UZ.AMT.05.MAI.047) га ўтказилсин.

2. “Навоий ССМ” ДК раҳбари (А.Жўраев) га:

- “Gold Star Tour Service” МЧЖ нинг менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи томонидан сертификатлаштирилган корхоналарда инспекция назоратлари, 2018 йилнинг 1 апрелидан “Навоий ССМ” ДК менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи томонидан ўтказилиши,

- инспекция назоратлари яқунлари бўйича сертификатларни амал қилишини тасдиқлаш, вақтинчалик тўхтатиш, бекор қилиш юзасидан қарор қабул қилиниши таъминлансин.

3. МБ ва СТЖЭБ (О.Тохиров) га:

- мазкур қарор билан 1 кун муддатда юқорида номи кўрсатилган сертификатлаштириш органлари таништирилсин;

- менежмент тизимларини сертификатлаштириш соҳасидаги ҳисоботларни олиниши қатъий назоратга олинсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бош директор ўринбосари Ж.Шукуров зиммасига юклансин.

Бош директор

Тошкент ш.,
2018 йил «30» март
К-8 - сон

А.Каримов